Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

2026 ЙИЛ — МАҲАЛЛАНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ВА ЖАМИЯТНИ ЮКСАЛТИРИШ ЙИЛИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● WWW.XS.UZ ● E-mail: Info@xs.uz ● 2026 йил 29 сентябрь, № 203 (9374) Сешанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.

МАКТАБ ВА ОЛИЙ ТАЪЛИМДА ЎҚИТИШ УСУЛЛАРИ ВА БАҲОЛАШ ТИЗИМИ ТАКОМИЛЛАШТИРИЛАДИ

Президент Шавкат Мирзиёев 28 сентябрь куни мактаб таълимида янги авлод дарсликларини жорий этиш, олийгоҳлар ва корхоналар ҳамкорлигида дуал таълимни ташкил қилиш, шунингдек, Ляонин педагогика университетининг Ўзбекистондаги филиали фаолиятини йўлга қўйиш юзасидан тақдимотлар билан танишди.

Янги Ўзбекистон мактаб битирувчиси портретида билим билан бир қаторда замонавий кўникмалар, ахборот технологияларини пухта эгаллаш, ижодий ва мустақил фикрлаш, қарор қабул қилиш қобилияти муҳим ўрин тутади. Дарсликлар ва таълим мазмунини янгилаш ишлари ана шу мақсадга қаратилган.

Янги ўқув адабиётларини тайёрлашда халқаро тажрибага мурожаат қилинди. Бошланғич синф дарсликлари Финляндия таълим альянси сертификациясидан ўтган, 5 — 7-синфларнинг математика, физика, кимё ва биология дарсликлари Сингапур дарсликлари асосида ишлаб чиқилди.

Янги ёндашувда ўқувчининг ҳар бир синф якунида нимани билиши ва бажара олиши аниқ белгиланади. Таълим стандарти, ўқув дастури, дарслик ва баҳолаш ўзаро боғлиқ ҳолда шакллантирилиб, мавзуларнинг ёшга мослиги, изчиллиги ҳамда билимни амалиётда қўллаш имкониятига эътибор қаратилади. 2027 йилга қадар жами 1 342 номдаги дарслик ва ўқув-методик материални тайёрлаш режалаштирилган.

Дарсликларда танқидий фикрлаш, мулоқот, ҳамкорлик ва ижодкорлик кўникмаларини ривожлантиришга хизмат қиладиган топшириқлар ўрин олмоқда. Бола тайёр жавобни эслаб қолиш билан чекланмай, савол бериши, маълумотни таҳлил қилиши, ўз фикрини асослаши ва биргаликда ечим топиши кўзда тутилган.

Ўқув материалларида касбга йўналтириш ҳам алоҳида ўрин эгаллайди. Айни йўналишда 255 та дарс ишлаб чиқилган бўлиб, улар болаларга ўз қизиқишларини англаш ва келгусида касбни онгли танлашга ёрдам беришга қаратилган. Дарсликлардаги қаҳрамонлар орқали дўстлик, масъулият, жасорат ва ҳурмат каби қадриятлар ҳам болаларга яқин мисолларда очиб берилади.

Экологик саводхонликка оид 300 дан ортиқ мавзулар сувни тежаш, табиатни асраш ва табиий бойликлардан оқилона фойдаланиш кўникмаларини шакллантиришга хизмат қилади. Молиявий саводхонлик бўйича пулни ҳисоблаш, тежаш, жамғариш ҳамда харидни режалаштириш, рақамли саводхонлик бўйича эса интернетдан фойдали ва хавфсиз фойдаланиш масалалари қамраб олинган.

Тақдимотда янги дарсликларнинг самараси ўқитувчининг улар билан ишлашга тайёрлигига бевосита боғлиқ эканига алоҳида эътибор қаратилди. Шунинг учун ўзгаришлар мактабгача таълимдан бошлаб педагогларни тайёрлаш, уларнинг малакасини ошириш ва ўқувчилар билимини баҳолашгача бўлган жараённи қамраб олмоқда.

Хусусан, “Илк қадам” дастури асосида болаларнинг нутқи, тафаккури, мулоқот ва ижодий қобилиятларини биринчи синфга қадар ривожлантириш йўлга қўйилган. Педагогика олийгоҳларида янги авлод ўқитувчиларини тайёрлашга киришилган. Педагоглар учун танқидий фикрлаш, ижодкорлик, мулоқот ва ҳамкорликка асосланган дарсларни ташкил этиш бўйича махсус ўқув модуллари ишлаб чиқилган.

(Давоми 2-бетда).

Ўзбекистон Республикаси Президентининг

ФАРМОНИ

46-БУТУНЖАҲОН ШАХМАТ ОЛИМПИАДАСИ ВА 3-ПАРАШАХМАТ ОЛИМПИАДАСИ ҒОЛИБЛАРИ ВА ИШТИРОКЧИЛАРИНИ МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Мамлакатимизда, қадимий Самарқанд шаҳрида илк бор ўтказилган 46-Бутунжаҳон шахмат олимпиадаси ва 3-Парашахмат олимпиадасида муваффақиятли қатнашиб, ўзининг юксак профессионал маҳорати, ақлзаковати, ирода ва матонатини яққол намоён этгани, дунёнинг 200 дан зиёд давлатидан келган энг кучли шахматчи ва гроссмейстерлар ўртасида ғолибликни қўлга киритиб, Янги Ўзбекистоннинг халқаро нуфузи ва шон-шуҳратини оширишга муносиб ҳисса қўшгани, шунингдек, республикамизда спортни кенг оммалаштиришда шахсий намуна кўрсатиб келаётгани, ёш авлодни Ватанга муҳаббат ва садоқат руҳида тарбиялаш, уларда миллий ғурур ва ватанпарварлик фазилатларини камол топтириш борасидаги катта хизматлари учун қуйидагилар мукофотлансин:

«Ўзбекистон ифтихори» фахрий унвони билан

Мадаминов Мухиддин Баходиржон ўғли — Шахмат бўйича Ўзбекистон эркаклар миллий терма жамоаси аъзоси

«Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган спортчи» фахрий унвони билан

Абдусатторов Нодирбек Фазлиддин ўғли — Шахмат бўйича Ўзбекистон эркаклар миллий терма жамоаси аъзоси

Вохидов Шамсиддин Пулат ўғли — Шахмат бўйича Ўзбекистон эркаклар миллий терма жамоаси аъзоси

Якуббоев Нодирбек Муродбек ўғли — Шахмат бўйича Ўзбекистон эркаклар миллий терма жамоаси аъзоси

«Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган спорт устози» фахрий унвони билан

Касимжанов Рустам Машрукович — Шахмат бўйича Ўзбекистон эркаклар миллий терма жамоаси бош мураббийси

Шермуҳаммадов Самандар Нурулла ўғли — Парашахмат бўйича Ўзбекистон миллий терма жамоаси мураббийси

«Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси» фахрий унвони билан

Синдаров Комил Ойдинович — Ўзбекистон шахмат федерацияси раиси ўринбосари

«Фидокорона хизматлари учун» ордени билан

Синдаров Жавоҳир Санжарбекович — Шахмат бўйича Ўзбекистон эркаклар миллий терма жамоаси аъзоси

«Дўстлик» ордени билан

Мўминова Нафиса Алишеровна — Шахмат бўйича Ўзбекистон аёллар миллий терма жамоаси бош мураббийси

Саттаров Бобир Мухамади ўғли — Ўзбекистон шахмат федерацияси бош котиби

Талипов Рашид Азатович — Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг спорт йўналиши бўйича масъул ходими

«Мардлик» ордени билан

Вахидов Жахонгир Таирович — Шахмат бўйича Ўзбекистон эркаклар миллий терма жамоаси аъзоси

Зайнидинов Сирожиддин Савранбекович — Парашахмат бўйича Ўзбекистон миллий терма жамоаси аъзоси

Какишова Селби Сапарбай қизи — Парашахмат бўйича Ўзбекистон миллий терма жамоаси аъзоси

Кимсанбоев Ахадхон Азизхон ўғли — Парашахмат бўйича Ўзбекистон миллий терма жамоаси аъзоси

Мамаражабов Сардорбек Зоҳиджон ўғли — Парашахмат бўйича Ўзбекистон миллий терма жамоаси аъзоси

Шаюсупов Марсел Вячеславович — Парашахмат бўйича Ўзбекистон миллий терма жамоаси аъзоси

«Келажак бунёдкори» медали билан

Абдисалимов Абдималик Боходир ўғли — Шахмат бўйича Ўзбекистон эркаклар миллий терма жамоаси аъзоси

Азизов Комилжон Икромович — Ўзбекистон шахмат федерациясининг ахборот технологиялари ва шахмат методикаси бўйича мутахассиси

Бегмуратов Ҳумоюн Хусниддинович — Шахмат бўйича Ўзбекистон эркаклар миллий терма жамоаси аъзоси

Мардонов Жавлон Ўткир ўғли — Ўзбекистон шахмат федерациясининг ахборот технологиялари ва шахмат методикаси бўйича мутахассиси

Ниғматов Ортиқ Равшан ўғли — Шахмат бўйича Ўзбекистон эркаклар миллий терма жамоаси аъзоси

Суяров Мухаммадзохид Шахриёр ўғли — Шахмат бўйича Ўзбекистон эркаклар миллий терма жамоаси аъзоси

«Соғлом турмуш» медали билан

Джумаев Бахтиёр Меликулович — Ўзбекистон шахмат федерациясининг мусобақаларни ташкил этиш бўйича мутахассиси, шарҳловчи

Имомқўзиева Нилуфархон Нодирбек қизи — Шахмат бўйича Ўзбекистон аёллар миллий терма жамоаси аъзоси

Каримова Гулдона Абубакир қизи — Шахмат бўйича Ўзбекистон аёллар миллий терма жамоаси аъзоси

Омонова Умида Шуҳрат қизи — Шахмат бўйича Ўзбекистон аёллар миллий терма жамоаси аъзоси

Тохиржонова Гулрухбегим Алишер қизи — Шахмат бўйича Ўзбекистон аёллар миллий терма жамоаси аъзоси

Хамдамова Афрўза Акбаровна — Шахмат бўйича Ўзбекистон аёллар миллий терма жамоаси аъзоси

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри,
2026 йил 28 сентябрь

Анжуман

БАРҚАРОР ТАРАҚҚИЁТ ЙЎЛИДА ХАЛҚАРО ҲАМКОРЛИК

Кеча Тошкент шаҳрида “Инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро пактларнинг 60 йиллиги ва Ривожланиш ҳуқуқи тўғрисидаги декларациянинг 40 йиллиги: инсон қадр-қиммати, тенглик ва барқарор тараққиёт йўлида глобал шериклик” мавзуида Инсон ҳуқуқлари бўйича бешинчи Самарқанд форуми ўз ишини бошлади.

Тадбирда 20 га яқин халқаро ва минтақавий ташкилотлар аъзолари, 8 та хорижий давлатнинг инсон ҳуқуқлари бўйича миллий институтлари ходимлари, 30 дан зиёд тадқиқот марказлари, фуқаролик жамияти етакчи экспертлари, оммавий ахборот воситалари ҳамда бизнес доиралар вакиллари, жами 200 киши офлайн ҳамда онлайн форматда қатнашди.

Анжуманнинг тантанали очилиш маросимида Олий Мажлис Сенати Раиси Танзила Норбоева иштирок этди. Сенат Раиси ўз нутқида мамлакатимизда инсон ҳуқуқ ва эркинликлари масаласига давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири сифатида қаралаётганини таъкидлади. Шунингдек, инсон ҳуқуқларини таъминлашда Олий Мажлиснинг масъулияти ва имкониятлари ортиб бораётгани, айниқса, қонунчиликни такомиллаштириш, Давлат бюджети маблағларини инсон ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлашга йўналтириш устидан парламент назоратини амалга ошириш, аҳолининг эҳтиёжманд қатламлари ҳуқуқларини ҳимоя қилиш масалалари ҳам эътибордан четда қолмаётгани қайд этилди.

2

ЯНГИЛАНИШЛАР ЮРТИ – ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН

Сўнгги йилларда Президентимиз ташаббуслари асосида халқимизнинг турмуш фаровонлигини юксалтириш, юзага келаётган муаммоларга тизимли ечим топиш борасида кенг кўламли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Кўз ўнгимиздаги ўзгаришлар

Охирги ўн йилда атрофимизда юз берган воқеаларга назар солар эканмиз, нафақат ўзгаришларни, балки кенг қамровли тараққиётни, ҳаётга бўлган ёндашувдаги туб бурилишни кўрамиз. Юртимизнинг бугунги кундаги сиёсий-ҳуқуқий, ижтимоий-иқтисодий, маданий-маърифий ҳаётини ўн йил аввалги ҳолат билан солиштирилса, тубдан фарқ борлиги аён бўлади. Халқнинг давлатга, жамиятга, эртанги кунга муносабати бутунлай янгича мазмун касб этмоқда. Бунинг замирида давлатимиз раҳбари томонидан илгари сурилган “Инсон қадри учун” ғоясига асосланган ислоҳотлар мужассам.

Айниқса, Қорақалпоғистон Республикасидаги улкан ўзгаришлар, эврилишлар ҳар бир юртдошимизга ғурур ва ифтихор бағишлайди. Президентимизнинг Қорақалпоғистонга бўлган доимий эътибори, ҳудуднинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишига қаратилган аниқ мақсадли дастурлар халқнинг турмуш фаровонлигини оширишга хизмат қилмоқда. Давлатимиз раҳбарининг “Биз учун Қорақалпоғистон ютуғи — Ўзбекистон ютуғи, Қорақалпоғистон ташвиши, бу — бутун Ўзбекистон ташвиши”, деган гаплари ҳамиша амалий ҳаракат дастури бўлиб келган. Бизнинг эзгу мақсадимиз — биргаликдаги меҳнатимиз билан Янги Ўзбекистонда ҳар томонлама ривожланган, обод ва фаровон Янги Қорақалпоғистонни бунёд этишдир.

Президентимизнинг 2016 йилдаги “Маданиятни Мўйноқдан бошлаймиз!” деган чақириғи бугун ўз натижаларини кўрсатмоқда. Мўйноқ бамисоли қайтадан қурилди. Оролнинг қуриган қисмида 2 миллион гектардан зиёд яшил майдон пайдо бўлди. Янгидан Тахиатош, Бўзатов туманлари ташкил этилди.

2

Фракциялар ҳаёти

ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАР, ҚИЗҒИН ФИКРЛАР, АСОСЛИ ТАКЛИФЛАР

Сиёсий партияларнинг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияларининг йиғилишларида қуйи палатанинг навбатдаги мажлиси кун тартибига киритилиши режалаштирилаётган бир қатор қонун лойиҳалари атрофлича кўриб чиқилди.



Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ҳимоя қилинади

Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси фракцияси йиғилишида “Валютани тартибга солиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлашга қаратилган қўшимчалар киритиш ҳақида”ги қонун лойиҳаси обдан муҳокама қилинди.

Таъкидланганидек, сўнгги йилларда мамлакатимизда тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқларини суд орқали ҳимоялаш ҳамда уларнинг одил судловга эришиши даражасини кўтариш учун янада қулай шарт-шароитлар яратишга қаратилган кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда.

Шу билан бирга, ташқи савдо фаолияти билан шуғулланувчи тадбиркорлик субъектлари ҳуқуқларининг судларда тўлиқ ва ишончли ҳимоя қилинишини таъминлаш борасида иқтисодий судларнинг ваколатларини янада мустаҳкамлаш зарурати юзага келяпти.

Ушбу ҳужжат тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини суд орқали янада ишончли ҳимоя қилиш, ташқи савдо операциялари бўйича низоларни кўриб чиқишда иқтисодий судларнинг ваколатларини кенгайтиришга қаратилган.

Муҳокама чоғида фракция аъзолари Ҳусан Ярқулов ва Маъруфжон Раҳмонов ҳужжатни янада такомиллаштириш юзасидан бир қатор таклифлар берди. Шунингдек, лойиҳадаги айрим нормалар бўйича аниқлаштирувчи саволлар ҳам кўтарилди.

Қонун ташаббускорлари барча саволлар юзасидан атрофлича тушунтиришлар бериб, ҳужжатга асосан берилаётган имтиёзлар ҳалол ва масъулият билан ишлаётган тадбиркорларни қўллаб-қувватлашга замин яратишини қайд этишди.

3

ТЕХНОЛОГИК ВА ИҚТИСОДИЙ ИНҚИЛОБ

Андижонни инновация диёрига айлантирмоқда



Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёевнинг Андижон вилоятига ташрифи ҳамда ҳудудни комплекс ривожлантириш бўйича ўтказилган йиғилиш вилоятнинг иқтисодий, ижтимоий ва инфратузилмавий қиёфасини тубдан ўзгартиришга қаратилган янги даврни бошлаб берди, десак, айни ҳақиқат.

Зеро, ташриф доирасида қабул қилинган тарихий қарорлар, стратегик лойиҳалар ҳудуднинг нафақат бугуни, балки келгуси ўн йилликлардаги барқарор ривожланиши учун мустаҳкам пойдевор вазифасини бажаради.

Муносабат

Анъанавий қўл меҳнатидан рақамли бошқарувгача

“Eco Cotton” — Марказий Осиёда ягона бўлган тўқимачилик корхонасида сунъий интеллект ёрдамида ишловчи “ақлли” тикув дастгоҳлари ўрнатилган бўлиб, улар мато турига қараб чок жараёнини ҳақиқий вақт режимида созлайди. Жараён синов тариқасида илк бор қўлланаётган гуманоид роботлар назоратида.

Ташриф давомида умумий қиймати 9,4 млрд. долларлик 206 та янги лойиҳа ишга туширилди ва қурилишига старт берилди. Бу лойиҳалар тўлиқ рўёбга чиққач, вилоятда 45 мингга яқин янги юқори даромадли иш ўринлари яратилади ва 533 млн. долларлик қўшимча экспорт имконияти шаклланади.

3

Халқ сўзи
www.xs.uz /xalqsuzi.uz @xs_uz
2026 йил 29 сентябрь

МАКТАБ ВА ОЛИЙ ТАЪЛИМДА ЎҚИТИШ УСУЛЛАРИ ВА БАҲОЛАШ ТИЗИМИ ТАКОМИЛЛАШТИРИЛАДИ

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Малака ошириш дастурлари ҳам янги дарсликлар мазмунига мослаштирилди. Шу асосда 110 минг нафар бошланғич синф ўқитувчиси малака оширди. Сингапурлик ҳамкорлар билан 121 нафар мастер-тренер ва 739 нафар мураббий-ўқитувчи тайёрланиб, улар орқали 90 минг нафар педагог ўқитилди.

Дарсларда ўқувчини мавзуга қизиқтириш, мустақил тадқиқ этишга ундаш, тушунтириш, билимни қўллаш ва натижани баҳолашга асосланган усулларни кенгайтириш кўзда тутилмоқда. Видеодарслар, анимация, аудиоматериаллар ва интерактив топшириқлар ҳам ўқитувчи ҳамда ўқувчи учун қўшимча имконият яратади.

Педагогларнинг касбий ўсишини баҳолаш ва рағбатлантириш механизмлари такомиллаштирилди. Касбий сертификатлашда ўқитувчининг фан бўйича билими билан бирга педагогик тайёргарлиги ҳам баҳоланмоқда.

Шунингдек, янги таълим мазмунига мос, аниқ мезонларга асосланган баҳолаш тизими 5 мингта мактабда жорий этилди. Бу ўқувчининг фақат маълумотни ёдлаганини эмас, балки уни тушуниши ва қўллай олишини ҳам баҳолашга қаратилган.

Давлатимиз раҳбари дарсликни ишлаб чиқишнинг ўзи етарли эмаслигини, янги мазмунни таълим жараёнига самарали жорий этиш учун педагоглар тайёргарлиги, ўқитиш усуллари ва баҳолаш тизими биргаликда такомиллаштирилиши зарурлигини таъкидлади ҳамда мутасаддиларга тегишли топшириқлар берди.

Иқтисодиёт тармоқларига иш жараёнини биладиган, замонавий кўникмаларга эга мутахассислар зарур. Шу мақсадда талабанинг олийгоҳдаги назарий таълимини корхонадаги амалий машғулотлар билан боғлаш бўйича таклифлар ишлаб чиқилган.

Бундан уч ой аввал ўн нафар ректор Германияга дуал таълим тизимини ўрганиш учун юборилган эди. Ушбу мамлакат тажрибасида битирувчиларнинг 70 — 75 фоизи ўзи амалиёт ўтаган корхонада ишлаб қолмоқда. Тақдимотда Германия тажрибасини мамлакатимиз шароитига мослаштириш ва бу жараёнда корхоналарнинг кадрлар тайёрлашдаги иштирокини кучайтириш масалалари кўриб чиқилди.

Ўзбекистонда ҳам мазкур йўналишда амалий тажриба шаклланмоқда. Жумладан, Андижон вилоятида 11 минг нафар талаба 2 мингта корхонада дуал таълим асосида амалиёт ўтамоқда. Давлатимиз раҳбари барча ректорларни Андижонга юбориб, ушбу тажрибани жойида ўрганишни топширди. Германияда бўлган ректорлар ҳудудлар ҳокимларига бириктирилиб, дуал таълимни ташкил этиш бўйича аниқ стратегия ва илмий асосланган таклифлар тайёрлайди.

Учинчи ва тўртинчи босқич талабаларининг камида 80 фоизини, яъни 185 минг нафар ёшни дуал таълим билан қамраб олиш мақсади белгиланди. Дастлаб муҳандислик, ишлаб чиқариш, қурилиш ва қишлоқ хўжалиги каби соҳаларга устуворлик бериш таклиф этилмоқда. 2027/2028 ўқув йилида ушбу шакладаги таълимга 75 та олийгоҳ ва 3,5 мингта корхонани жалб қилиб, 12,5 минг нафар талаба учун ўқиш ва амалиётни биргаликда ташкил этиш режалаштирилган.

Янги моделда олийгоҳ, корхона ва талаба ўртасидаги муносабатлар шартнома асосида йўлга қўйилади. Ўқув дастури корхона эҳтиёжига мослаштирилиб, талабага иш жойида малакали мураббий бириктирилади. Амалиёт ўқиш билан бир вақтда ёки соҳа хусусиятидан келиб чиқиб алоҳида даврда ташкил этилиши мумкин.

Талабаларни амалиётга қабул қилган, улар учун ўқиш шароитини яратган ва кейинчалик ишга жойлаган корхоналарни рағбатлантириш чоралари ҳам тақдимот қилинди.

Хусусан, талабага тўланган иш ҳақининг 50 фоизини субсидия сифатида қоплаш, божхона тўловлари ва амортизация бўйича имтиёзлар бериш, 25 нафардан ортиқ талабаларни амалиётга олган корхоналарга давлат харидларида преференциялар қўллаш таклиф қилинмоқда. Бундай қўллаб-қувватлашни инсон омилини камайтирган ҳолда рақамли платформа орқали амалга ошириш зарурлиги таъкидланди.

Шунингдек, дуал таълимни самарали ташкил этган корхоналар ва олийгоҳларни рағбатлантириш учун танлов ўтказиш таклифи ҳам кўриб чиқилди. Бунда талабаларнинг қамрови, иш ҳақи, ўзлаштириши ва битирувчиларнинг бандлиги асосий натижа сифатида баҳоланади.

Тақдимот давомида Хитойнинг Ляонин педагогика университетининг Ўзбекистондаги филиали фаолиятини ташкил этиш билан боғлиқ масалалар ҳам кўриб чиқилди. Мазкур ташаббус хитой тилини биладиган кадрлар тайёрлаш, олийгоҳлар, техникумлар ва мактабларда уни ўқитишни кенгайтиришга қаратилган. Ляонин университети Хитойнинг педагогика йўналишидаги етакчи олийгоҳларидан бири бўлиб, айниқса, психология, хитой тили филологияси ва таълим фанлари бўйича катта тажрибага эга.

Хива шаҳрида жойлашган филиалда халқаро хитой тили таълими, халқаро бизнес, туризм бошқаруви ва сунъий интеллект йўналишлари очилади. Таълим ўзбек, хитой ва инглиз тилларида олиб борилади, битирувчиларга Ўзбекистон ва Хитойда тан олинадиган диплом берилади. Жараён 2026/2027 ўқув йилида бошланиши режалаштирилмоқда.

Филиалнинг маҳаллий олийгоҳлар билан академик ҳамкорлиги, талабалар ва педагоглар алмашинуви ҳамда қўшма илмий тадқиқотларни йўлга қўйиш масалалари кўриб чиқилди. Хитой тажрибаси асосида техникумлар дастурларини такомиллаштириш, информатика ўқитувчилари учун сунъий интеллект бўйича малака ошириш курсларини ташкил этиш ҳам кўзда тутилмоқда.

Давлатимиз раҳбари дуал таълимни ҳудудлардаги корхоналарнинг кадрларга бўлган аниқ эҳтиёжи билан боғлаш, Ляонин университети филиалида эса таълим сифати ва қабул жараёнларини пухта ташкил этиш зарурлигини таъкидлади. Масъулларга тегишли топшириқлар берилди.

ЎзА.

БАРҚАРОР ТАРАҚҚИЁТ ЙЎЛИДА ХАЛҚАРО ҲАМКОРЛИК

1



Бу йилги Самарқанд форумининг мавзуси муҳим ва долзарб аҳамият касб этади. Жорий йилда Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пакт ҳамда Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пакт қабул қилинганига 60 йил тўлади. Ривожланиш ҳуқуқи тўғрисидаги декларациянинг эса 40 йиллиги, Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази ташкил этилганининг 30 йиллиги нишонланмоқда.

Таъкидланганидек, бугунги кунда инсон ҳуқуқларини таъминлаш йўналиши янги таҳдидларга дуч келмоқда. Сунъий интеллект ва рақамли технологияларнинг жадал ривожланиши янги имкониятлар билан бирга, шахсий маълумотларни ҳимоя қилиш, тенглик, хавфсизлик ва инсон ҳуқуқларига оид бошқа янги масалаларни ҳам кун тартибига олиб чиқмоқда.

Шу боис форумда инсон ҳуқуқларини ҳимоялашнинг халқаро механизмларини замонавий шароитга мослаштириш, инсон қадр-қиммати ва тенгликни таъминлаш, барқарор тараққиётга эришишда халқаро ҳамкорликни кучайтириш масалалари кенг муҳокама қилиниши кутилаётир.

«Халқ сўзи».

Очиқ мулоқот

УСТОЗЛАРГА ЭҲТИРОМ

Мамлакат тараққиёти, аввало, билимли, замонавий фикрлайдиган ва мустақил қарор қабул қила оладиган ёш авлодни тарбиялаш билан боғлиқ. Бу жараёнда ўқитувчининг билими, касбий маҳорати ҳамда ҳаётий тажрибаси алоҳида ўрин тутади.



Шу маънода, кеча Олий Мажлис Сенатида 1 октябрь — Ўқитувчи ва мураббийлар куни муносабати билан очиқ мулоқот ўтказилди.

Тадбирда Сенатнинг Аграр, сув хўжалиги масалалари ва экология қўмитаси раиси А. Тўйчиев устоз ҳамда мураббийларни байрам билан табриклади.

Таъкидландики, жамиятнинг бугуни ва келажаги, унинг маданий-маърифий ва маънавий салоҳияти таълим йўналишининг қай даражада ривожлангани билан белгиланади. Тизимдаги ислоҳотларнинг муваффақияти эса, кўп жиҳатдан, ўқитувчи ва мураббийларга боғлиқ. Шу сабабли мамлакатимизда ўқитувчилар меҳнатини қадрлашга, уларга ҳар жиҳатдан ғамхўрлик кўрсатишга ҳаракат қилинмоқда. Жумладан, мамлакатимизда таълим тизимини жаҳон андозалари асосида ислоҳ этиш, янги илм масканлари қуриш, уларни замонавий техника воситалари билан жиҳозлаш ишлари изчил олиб борилмоқда.

Ўқитувчилик азал-азалдан эътиборли касб ҳисобланиши ва уларнинг қонунчилик жараёнларидан бохабарлиги тарбиялаётган шогирдлари учун ҳам кони фойда эканлиги қайд этилди. Шундан сўнг иштирокчиларга Сенатнинг вазифа ва ваколатлари, қонун ижодкорлиги жараёни, қонунларни кўриб чиқиш ҳамда муҳокама қилиш тартиби ҳақида маълумот берилди. Қонунлар ижроси устидан парламент назорати қандай амалга оширилишига ҳам алоҳида урғу берилди.

Тадбир якунида устоз ва мураббийларга ёш авлод камолоти йўлидаги фидокорона меҳнатлари учун миннатдорлик билдирилди.

«Халқ сўзи».

ЯНГИЛАНИШЛАР ЮРТИ — ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН

1

Ўзбекистоннинг ҳар бир вилояти туманларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришга кўмаклашиш мақсадида бириктирилди ва бунинг самарасини халқимиз ҳис қилмоқда. Давлатимиз раҳбарининг махсус фармон ва қарорлари билан ҳар бир туманда маҳаллалар инфратузилмасини ривожлантириш дастурлари тасдиқланди.

Қорақалпоғистон “яшил” энергетика, аграр соҳада ишлаб чиқариш ва туризм марказига айланмоқда. Сўнгги йилларда 860 мегаваттли янги қувватлар ишга туширилди. Беруний ва Қораўзакда шамол электр станциялари қурилиши ҳисобига “яшил” энергия улуши 23 фоизга етди. Электр ишлаб чиқариш 4 карра ошиб, 5 млрд. 330 млн. киловатт-соатни ташкил этди. Бу аҳоли ва корхоналарнинг йиллик талабидан қарийб уч баробар кўпдир.

Умуман, 2030 йилгача жами 3300 мегаваттли шамол электростанциялари ишга туширилиб, “яшил” энергия улуши 76 фоизга етказилади, 400 мегаваттли энергия сақлаш қуввати яратилади. “Яшил” энергияни “карбон кредит”га айлантириш орқали йилига 50 — 100 млн. доллар даромад олиш имконияти бор. Олдимизга бир ойда ушбу механизмни йўлга қўйиш ва йирик импортёр давлатлар билан музокаралар ўтказиш вазифаси қўйилди. Экспортдан тушадиган маблағлар инфратузилмага ажратилаётган ресурсларга қўшимча бўлиб, Қорақалпоғистоннинг ўзида қолади. Йил якунигача Оролнинг 50 минг гектарида “ўрмон карбон кредити” дастури бошланади.

Қишлоқ хўжалигидаги имкониятлардан тўлақонли фойдаланиш, аввало, сув йўқотишларини камайтиришга боғлиқ. Ҳудуддаги 417 минг гектарни суғоришга 5 млрд. 700 млн. куб метр сув сарфланмоқда. Йўқотишлар 2 млрд. 100 млн. куб метрни, яъни 38 фоизни ташкил этмоқда. Шу боис Тўрткўлдаги “Ёнбош” ва Бўзатовдаги “Эркиндарё” каналларини бетонлаш, сув иншоотлари ва артезиан қудуқлар қуришга 135 млрд. сўм ажратиш кўзда тутилган.

Чорвачиликнинг озуқа базасини мустаҳкамлаш учун фойдаланилмаётган яйлов ва ерлар ўзлаштирилади. Қўнғирот, Беруний ва Чимбойда 2 минг гектар ер тикланмоқда, келаси йили яна 5 минг гектар ўзлаштирилади. Бўзатовда 7,5 минг гектарни озуқага мослаштиришга 100 млрд. сўм ажратилади. Озуқабоп экинлар етиштиришга ҳар гектар учун 500 минг сўм субсидия берилади. Йирик чорва комплекслари учун кредит миқдорини 50 млрд. сўмгача ошириш таклифи қўллаб-қувватланди. Самолётда олиб келинадиган наслли буқалар қийматининг 10 фоизи, ҳар бир бош учун 4 млн. сўмгача субсидия қилинади. Тахтакўпирда Шинжон



тажрибаси асосида озуқа етиштириш ташкил этилиб, хориждан 5 минг бош қўй-эчки олиб келинади. Йил якунигача 10 — 15 минг гектарда лойиҳаларни шакллантириб, бир йилда 100 минг бош қўй-эчки боқишни йўлга қўйиш белгиланди. “Кегейли наслли парранда” корхонаси қувватини 2-3 карра ошириб, холдингга айлантириш, техникумда паррандачилик курслари очиш топширилди.

Инсон манфаатлари кўзланган бундай лойиҳалар Қорақалпоғистон тарихида ҳеч қачон кузатилмаган. Келгуси баҳордан Нукус туманидаги 10 минг гектарда қовун етиштириш бошланиши ҳам бизни қувонтирди. Испания, АҚШ, Нидерландия ва Хитойдан энг яхши навлар ва мутахассислар жалб этилиб, қайта ишлаш ҳамда экспорт билан шуғулланадиган холдинг ташкил қилиниши ҳаёлимизга ҳам келмаганди. Бу борада тумандаги техникум лаборатория ва синов полигони билан таъминланиб, қовунчилик бўйича тажриба алмашиш методик марказига айлантирилади.

Аҳоли учун қулай шаҳар ва маҳалла муҳити яратиладиган бўлди. Нукуснинг “Ашшикўл” массиви ҳудудида 50 минг аҳолига мўлжалланган “Нукус сити” қурилиши бошланди. 270 гектарда энерготежамкор бинолар, бизнес, савдо ва сервис марказлари, яшил хиёбонлар барпо этилади.

Аҳоли саломатлигини сақлашга ҳам эътибор қаратилмоқда. Бунда юқори технологик хизматларга алоҳида урғу бериляпти. Нукусда жигар ва буйрак трансплантацияси амалга оширилмоқда, Оролбўйи болалар шифохонасида 150 турдаги замонавий хизмат кўрсатилмоқда. Жорий йил мураккаб йўналишларда 1,5 мингта операция ўтказилди. Тиббий суғурта жорий этилиб, муассасаларга 10 млн. долларлик жиҳозлар олиб берилди. Нукус тиббиёт илмий академияси, болалар клиникаси, онкология маркази ва янги кўп тармоқли шифохона бирлаштирилиб, Университет тиббий кластери ташкил қилинади. Мўйноққа келиб ишлаётган шифокорларга берилаётган 200 фоизгача ойлик устама 1 январдан Бўзатов ва Тахтакўпирда ҳам жорий этилади.

Бугун Қорақалпоғистонда мажбурий меҳнат тарихга айланди. Деҳқон ерга эгалик қилади, фермер ҳосилини ўзи сотади. Бу шунчаки қоғоздаги ислоҳот эмас, балки инсон шаънининг тикланишидир. Пахта бугун кийимга айланиб экспортга чиқмоқда, фермерлар ҳаётидан мамнун, болалар далада эмас, мактабда.

Президентимизнинг “Бизнинг ўтмишимиз бир, бугунимиз ҳам, келажагимиз ҳам бир!” деган сўзлари бутун қорақалпоқ халқи қатори мени ҳам тўлқинлантириб юборди. Мен шу қорақалпоқ заминининг бир фарзанди сифатида тан олиб айтишим керак, республика ривожига, унинг муаммолари ечимига ҳеч қачон бугунгидек эътибор қаратилмаган.

Минг афсуслар бўлсинки, Орол денгизининг қуриши бизга жуда қимматга тушди ва ҳамон бунинг ортидан келаётган азиятлар давом этяпти. Ваҳоланки, яшаётган маҳалламиз ёки қишлоғимиздаги кичкинагина арикдан сув оқмай қолса, қанчалар ташвишга тушамиз. Бу ариқ ўрнида денгиз бўлсачи, ташвишимиз минг чандон ошади. Уни асраб қолишдаги чорасизлик эса ундан ҳам ёмон. Сув — бизнинг ҳаётмамотимиз. Бугунимиз, эртамиз мана шу обиҳаётга боғлиқ. Давлатимиз раҳбари халқнинг айни масаладаги дардини ҳис қила билди, фожиа кўламини камайтиришга бел боғлади. Айниқса, Қорақалпоғистоннинг энг оғир нуқтаси — Мўйноққа ҳаёт қайтарилди.

1990-йиллар бошида Орол денгизининг суви тобора камайиб, туман саноатининг юраги бўлмиш — балиқ консерва заводи буткул ёпилган ва ишсизлик авж олган эди. Аҳоли уйларини ташлаб, Нукус, Қўнғирот ва бошқа шаҳарларга бош олиб кетишга мажбур бўлганди. Чанг-туз бўронлари сони ва зарар кўламининг кескин ортиши оқибатида кўз, ошқозон-ичак тракти, тери касалликлари сингари хасталиклар тез-тез учрайдиган бўлиб қолганди. Ер ости сувлари сатҳи пасайиб, ҳудуднинг чўлланиш жараёни тезлашганди. Бутун бошли улкан бандаргоҳ катта-кичик кемалар қабристонига айланганди...

Бугун Президентимизнинг куюнчаклиги, фидойилиги, ғамхўрлиги ва саъй-ҳаракатлари билан Оролбўйи минтақасида экологик ва ижтимоий-иқтисодий вазиятни, аҳолининг яшаш шароитларини яхшилаш, Орол денгизининг экологик фалокати оқибатларини юмшатиш, янада аниқ айтсак, аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлаш, сифатли тиббий ёрдам кўрсатиш, оналик ва болаликни ҳимоя қилиш, оила ҳамда маҳалла институтларига эътибор, аёллар ва ёшларнинг жамиятдаги ўрни ва мавқеини ошириш сингари долзарб масалалар ечимига улкан эътибор қаратилмоқда.

Мўйноқ шаҳрини мутлақо янгидан тиклашга, саноат корхоналари, кўп қаватли уйлар, замонавий хизмат кўрсатиш бинолари, мактаблар, таълим муассасалари ва бошқа соҳаларни ривожлантиришга катта куч сафарбар қилинди. 2018 йилнинг декабрь ойидан бошлаб денгизнинг қуриган ҳудудида ўрмон барпо этиш жараёнига киришилди. Мазкур ишга Орол бўйидаги барча ўрмон хўжаликлари, мингдан зиёд мутахассис ишчилар жалб қилинди. Шу ернинг ўзида яшаш учун барча шароитлар ҳозирланди. Яшил ўрмонлар яратиш учун зарур техникалар олиб келинди. Айни пайтда аҳоли Орол денгизининг қуриган тубида “яшил қопламалар” — ҳимоя ўрмонзорларини барпо этиш ишларида астойдил меҳнат қилмоқда ва бунинг натижалари кўзга ташланмоқда.

2020 йил 12 февралда Президентимизнинг “Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Оролбўйи халқаро инновация марказининг фаолияти самарадорлигини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори эълон қилинди. Унга мувофиқ, Орол денгизи қуриши оқибатларини бартараф этиш ҳамда сайёҳлар сонини кўпайтиришга қаратилган “My garden in the Aral Sea” (“Оролдаги боғим”) агро ва экотуризм лойиҳаси амалга оширилиши белгиланди. Марказий Осиёдаги энг йирик электрон мусиқий фестивалнинг ўтказилиши, “Саҳродаги Лувр музейи”нинг дунёга машҳур авангард коллекцияси, тунги осмоннинг энг қоронғи зонаси ва унинг остида жойлашган ўтовлар мажмуаси бугун туристлар оқимининг кўпайишига хизмат қилмоқда. Қорақалпоғистонга бугун “Орол денгизининг Ватани” дея алоҳида таъриф берилгани бежиз эмас.

Президентимиз 2016 йил 10 ноябрь куни Қорақалпоғистон Республикасининг Шуманай туманида бўлиб ўтган сайловолди учрашувида юксак ҳурмат ва чуқур самимият билан “Мен нафақат ўзбек халқининг, балки қорақалпоқ халқининг ҳам фарзандиман!” деб таъкидлаганди. Ваъда амалга кўчди. Ҳар бир туман ва шаҳарга, керак бўлса, чекка-чекка қишлоқ ва овулларгача кириб борилди. Бу ерда истиқомат қилаётган одамларнинг дарди эшитилди, муаммоларини ҳал этишга қаратилган дастурлар ишлаб чиқилди ва ижроси қатъий назоратга олинди. Яқин пайтларгача ўз ҳолига ташлаб қўйилган Қорақалпоғистон имкониятлар ўлкасига айланди. Ҳудуднинг энг катта ютуғи — аҳолининг келажакка ишончи уйғонди.

Аманбай ОРИНБАЕВ,
Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси Раиси.

Сенатор ва ҳаёт

ИЖТИМОЙ МУАММОЛАР ЕЧИМИ

Сенаторлар ва маҳаллий Кенгаш депутатларининг ҳудудлардаги аҳоли билан учрашувлари давомида уларнинг мурожаатлари ўрганилиб, аниқланган масалаларни ҳал этиш бўйича амалий чоралар кўрилмоқда.

Олий Мажлис Сенатининг Ёшлар, хотин-қизлар, маданият ва спорт масалалари қўмитасида доимий асосда ишловчи сенатор Малика Қодирхонова Қибрай, Тошкент ва Оҳангарон туманларида бўлган ана шундай учрашувлар чоғида кўтарилган ижтимоий масалаларни Олий Мажлис ҳузуридаги Фуқаролик жамияти институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фондининг Тошкент вилояти бўлинмаси томонидан эълон қилинган давлат гранти танловига таклиф сифатида киритган эди.

“Тошкент вилоятида ижтимоий муаммоларни ҳал этишга фуқаролик жамияти институтларини жалб этиш” мавзуидаги танлов якунига кўра, “Ихлос нури” ННТ грант ғолиби бўлди.

Лойиҳа доирасида сенатор “Ихлос нури” ННТ ходимлари ҳамда Қибрай тумани ҳокимлиги масъуллари иштирокида 10 га яқин ногиронлиги бўлган шахсларга ногиронлик аравачалари ва эшитиш аппаратларини топширди. Жумладан, узоқ йиллар давомида ёшларга таълим-тарбия берган М. Байтурсуновга ногиронлик аравачаси ва эшитиш аппарати ҳамда юриш имконияти чекланган 80 ёшли Ж. Пирназаровага электрон аравача берилди.

Шунингдек, Тошкент туманининг Алишер Навоий номидаги маҳалласида яшовчи О. Шаҳобиддиновнинг даволаниши ва операцияси учун зарур маблағ ажратилиб, дори-дармонлар олиб берилди.

Учрашувлар давомида фуқароларнинг бошқа ижтимоий муаммолари ҳам ўрганилиб, уларни ҳал этиш бўйича тегишли чоралар белгиланди.

«Халқ сўзи».

АҚШ Давлат котиби Марко Рубио бошчилигидаги делегация октябрь ойи ўрталарида Самарқандга ташриф буюради. Давлат котибига 100 дан ортиқ бизнес вакиллари ҳам ҳамроҳлик қилади.

ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАР, ҚИЗҒИН ФИКРЛАР, АСОСЛИ ТАКЛИФЛАР

1 — Бугунги кунда тадбиркорлик субъектлари учун нафақат қулай иқтисодий шароит, балки ишончли ҳуқуқий кафолатлар керак. Чунки бу унга режа тузиш, сармоя киритиш ва фаолиятини янада ривожлантиришга ёрдам беради. Мазкур қонун лойиҳасининг қабул қилиниши эса ташқи савдо операцияларини амалга оширишда инсофли фаолият юритган тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари судларда янада ишончли ҳимояланишига ҳуқуқий асос яратади, — деди фракция аъзоси Улуғбек Қобулов.

Йиғилишда кўриб чиқилган қонун лойиҳаси фракция аъзолари томонидан қўллаб-қувватланди.

Қонун лойиҳаси қўллаб-қувватланди

“Миллий тикланиш” демократик партияси фракцияси йиғилишида “Вояга етмаган шахсларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатлари такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига қўшимчалар ва ўзгартириш киритиш ҳақида”ги қонун лойиҳаси муҳокама қилинди.

Кейинги йилларда мамлакатимизда аёллар ва болалар ҳуқуқларини ишончли таъминлаш, уларни ҳар қандай тазйиқ ва зўравонликдан ҳимоялаш ҳамда жамиятда бундай ҳолатларга нисбатан муросасизликни шакллантириш бўйича кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. Айниқса, уларга нисбатан шаҳвоний ҳаракатларни содир этишнинг олдини олиш бугуннинг асосий вазифаларидан бири ҳисобланади.

Йиғилишда бу борада кўрилаётган чоралар, олиб борилаётган таҳлилларга эътибор қаратилиб, айрим рақамлар келтирилди.

Таъкидлаб ўтилганидек, ишлаб чиқилган қонун лойиҳаси билан Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг тегишли моддаси тўлдирилмоқда. Яъни маъмурий ҳуқуқбузарлик вояга етмаган шахсга нисбатан содир этилган тақдирда, баённома бошқа ҳужжатлар ва иш бўйича далиллар билан бирга прокурорнинг ҳуқуқбузарлик аҳамият касб этади. Айниқса, болаларни тазйиқ ва зўравонликнинг барча шаклларидан ҳимоя қилиш бўйича муносабатларни тартибга солишга, уларга нисбатан шаҳвоний хусусиятга эга ҳаракатлар содир этилишининг олдини олишга хизмат қилади.

Савол-жавоблардан сўнг қонун лойиҳаси қўллаб-қувватланди.

Вояга етмаганлар муҳофазаси янада кучайтирилади

“Адолат” социал-демократик партияси фракцияси йиғилишида Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексга ўзгартириш ва қўшимчалар киритишни назарда тутувчи қонун лойиҳаси кўриб чиқилди.

Қайд этилганидек, кейинги йилларда болаларни тазйиқ ва зўравонликлардан ҳимоя қилиш, уларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ишончли таъминлашга қаратилган тизимли чоралар кўрилмоқда. Бироқ айрим ҳолатларда вояга етмаганларга нисбатан шаҳвоний шилқимлик билан боғлиқ ҳолатларни ҳуқуқий жиҳатдан тўғри таснифлаш ва уларга нисбатан самарали чора кўриш масаласи долзарблигича қолмоқда.

Қонун лойиҳаси билан вояга етмаган шахсларга нисбатан содир этилган шаҳвоний шилқимлик ҳолатларини кўриб чиқиш ва уларга ҳуқуқий баҳо беришнинг аниқ тартибини белгилаш таклифи илгари сурилмоқда.

Амалдаги тартибга кўра, маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги баённома бошқа ҳужжатлар ва иш бўйича далиллар билан бирга ҳуқуқбузарлик содир этилган ёки аниқланган пайтдан бошлаб уч суткадан кечиктирмай ишни кўриб чиқиш ваколатига эга бўлган орган ёки мансабдор шахсга юборилади.

Таклиф қилинаётган ўзгартиш билан эса вояга етмаган шахсга нисбатан Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 41[1]-моддасида назарда тутилган ҳуқуқбузарлик содир этилган тақдирда, ишни кўриб чиқишнинг алоҳида тартиби жорий қилинмоқда.

Қонун лойиҳасида маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги баённомага илова қилинадиган ҳужжатлар рўйхатини ҳам аниқлаштириш таклиф этилмоқда. Жумладан, жабрланувчининг аризаси, тиббий ва бошқа экспертиза хулосалари, жиноят иши қўзғатишни рад қилиш тўғрисидаги қарор ҳамда ҳуқуқбузарлик ҳолатини тасдиқловчи бошқа ҳужжатларни тақдим этиш тартиби белгиланяпти.



Фракция аъзоси Зиёдбек Юнусов илгари сурилаётган ўзгартиришлар жиноят аломатлари мавжуд бўлган ҳолатлар маъмурий ҳуқуқбузарлик доирасида қолиб кетишининг олдини олишга, иш материалларини кўриб чиқишнинг аниқ тартибини белгилашга хизмат қилишини қайд этиб, бу болаларни тазйиқ ва зўравонликнинг турли шаклларидан ҳимоялашнинг ҳуқуқий кафолатларини янада мустаҳкамлашини таъкидлади.

Йиғилишда қонун лойиҳаси депутатлар томонидан қўллаб-қувватланди.

Инсон манфаатлари — устувор мақсад

Ўзбекистон Халқ демократик партияси фракцияси йиғилишида “Наркотиклар ва кучли таъсир қилувчи моддалар тўғрисида”ги қонун лойиҳаси муҳокама этилди.

Айтилганидек, биринчи ва иккинчи ўқиш оралиғида қонун лойиҳаси такомиллаштирилган. Жумладан, унда гиёҳвандлик (наркомания), заҳарвандлик (токсикомания), прекурсорлар, психотроп моддалар, ғайриқонуний нарколаборатория каби асосий тушунчаларга батафсил таърифлар берилган.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикасида назоратга олинадиган гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва кучли таъсир қилувчи моддалар рўйхатлари аниқлаштирилиб, қонун лойиҳасининг асосий мақсади — гиёҳвандлик ҳамда наркожиноятларга қарши курашиш бўйича муносабатларни ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солиш экани таъкидланди.



Фракция аъзолари ҳуқуқбузарликлар профилактикаси инспекторларининг хизматини рағбатлантиришга қаратилган қонун лойиҳасини ҳам атрофлича муҳокама қилди.

Унга кўра ҳудудларда, хусусан, маҳаллаларда хавфсиз муҳитни яратиш ва ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлашга ҳисса қўшаётган, узоқ йиллар давомида самарали меҳнат қилган, юксак касбий маҳорати, фидойилиги ва намунали хизмат фаолияти билан алоҳида ибрат кўрсатган ички ишлар органларининг ҳуқуқбузарликлар профилактикаси инспекторларига “Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган ҳуқуқбузарликлар профилактикаси инспектори” фахрий унвонини бериш таклиф этилмоқда.

Муҳокама жараёнида депутатлар мазкур қонун лойиҳасини тайёрлашда профилактика инспекторларининг касбий мақоми ва малака талаблари қай даражада инобатга олингани, уларнинг идоравий қонун ости ҳужжатларида белгиланган, шунингдек, хорижий мамлакатларда соҳа ходимларини рағбатлантиришнинг илғор механизмлари ва халқаро тажриба ўрганилгани хусусида масъулларга саволлар берди.

Қонун ташаббускорлари томонидан саволларга атрофлича жавоб берилди.

Йиғилишда вояга етмаган шахсларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишга қаратилган қонун лойиҳаси ҳам муҳокама марказида бўлди.

Фракция аъзолари болаларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилиш, улар учун хавфсиз ижтимоий муҳит яратиш давлат сиёсатининг муҳим йўналишларидан бири эканини таъкидлашди.

Муҳокамаларда билдирилган фикр ва таклифларда инсон қадри, аҳолининг ижтимоий ҳимояси, фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш масалаларига алоҳида урғу берилди.

Йиғилишда кўриб чиқилган қонун лойиҳалари электорат манфаатларидан келиб чиқиб, қўллаб-қувватланди.

Фахрий унвон таъсис этилади

Ўзбекистон Экологик партияси фракцияси йиғилишида “Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган ҳуқуқбузарликлар профилактикаси инспектори” фахрий унвонини таъсис этиш тўғрисида”ги қонун лойиҳаси муҳокама қилинди.

Таъкидланганидек, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси инспекторлари жамоат хавфсизлигини таъминлаш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва бартараф этиш, хавф гуруҳидаги шахслар билан профилактик ишларни ташкиллаштириш, маҳаллаларда тинчлик ва осойишталикни сақлашда муҳим вазифаларни бажаради. Қонун лойиҳаси ана шу соҳада кўп йиллар давомида самарали хизмат қилган ходимларнинг фидойилиги ва касбий маҳоратини эътироф этиш, уларни рағбатлантиришга қаратилган.

Қонун лойиҳаси билан “Ўзбекистон Республикасининг давлат мукофотлари тўғрисида”ги Қонунига тегишли ўзгартириш ва қўшимчалар киритилиб, янги фахрий унвоннинг ҳуқуқий асосларини белгилаш таклиф қилинмоқда.

Шунингдек, “Ўзбекистон Республикасининг фахрий унвонларини таъсис этиш тўғрисида”ги Қонунига ўзгартириш киритиш орқали мазкур унвоннинг номи ва кўкрак нишони тавсифини ҳамда кўкрак нишони бериш учун асос бўладиган ҳолатларни қонунчиликда мустаҳкамлаш назарда тутилган.

Қонун лойиҳасида фахрий унвонга эга бўлган шахсларга тўшириладиган кўкрак нишонининг ташқи кўриниши ҳам белгиланган.

Муҳокама жараёнида қонун лойиҳасининг қабул қилиниши ҳуқуқбузарликлар профилактикаси инспекторларининг хизмат вазифаларини сидқидилдан ва самарали бажаришга бўлган рағбатини ошириш, соҳада хизмат анъаналарини мустаҳкамлаш ҳамда жамоат хавфсизлигини таъминлашга қўшган ҳиссасини муносиб эътироф этишга хизмат қилиши таъкидланди.

Якунда қонун лойиҳаси фракция аъзолари томонидан қўллаб-қувватланди.

«Халқ сўзи».



ТЕХНОЛОГИК ВА ИҚТИСОДИЙ ИНҚИЛОБ

Андижонни инновация диёрига айлантирмоқда

1 Андижон вилояти табиий бойликлар ва сув ресурсларидан оқилона фойдаланишнинг янги экотизимини яратмоқда. “Andijon Jinlun yangi energiya” корхонаси 2027 йилдан бошлаб тўлиқ қувватда ишга тушиб, йилига кичик ГЭСлар учун турли жиҳоз ҳамда микрогидроэнергетика ускуналари ишлаб чиқаришни бошлайди, уларни қўшни давлатларга экспорт қилади. Балиқчи туманидаги “Chinobod real biznes” корхонасида форель балиқлари интенсив усулда етиштириляпти. Мажмуанинг электр таъминоти тўлиқ қуёш панелларидан олинади, сув эса хлорелла сув ўти ёрдамида лабораторияда табиий тозаланиб, кейин экинларни суғоришга йўналтирилади. 2026 йилнинг ўзида вилоятда жами 47,4 МВт қувватли қуёш панеллари ва ўнлаб кичик ГЭСлар ишга туширилди.

Ер ва сув ресурслари чекланган Андижон шароитида аграр соҳани инновацияларсиз тасаввур этиб бўлмайди. Пахтачиликда “Шинжон усули” жорий қилиниб, чигит плёнка остига қўшқаторлаб экилмоқда. Томчилатиб суғориш ва агродронлардан фойдаланиш натижасида сув сарфи 40 фоиз, ўғит 30 фоиз тежалди, ҳосилдорлик эса анъанавий 35 центнердан 70 центнергача кўтарилди.

Истиқболли лойиҳалар туфайли аҳоли бандлиги таъминланиб, яшаш шароитлари янада яхшиланиб боряпти. Жорий йилнинг ўтган тўққиз ойида эришилган натижаларга қарайдиган бўлсак, вилоятда 419 минг нафар кишининг бандлиги таъминланди. Энг муҳими, ишсизлик даражаси 4,5 фоизгача тушди. Аҳолининг тоза ичимлик суви билан таъминланиш кўрсаткичи 92,4 фоизга етказилди.

Ҳар қаричи тиллога тенг

Андижон мамлакатимиздаги ҳудуди энг кичик, аҳолиси эса энг зич яшайдиган вилоят ҳисобланади. Ва республика ҳудудининг 1 фоизини, аҳолиси эса қарийб 10 фоизини ташкил қилади. Шунинг учун ҳам ҳудудда ернинг ҳар қаричидан оқилона фойдаланиш талаб этилади.

Президентимиз мутасаддиларга республикадаги барча қир ва адирлардан самарали фойдаланиш, озиқ-овқат хавфсизлиги ҳамда қишлоқ аҳолиси даромадларини ошириш масалаларига алоҳида эътибор қаратиш вазифасини топширди. Улуғнорда пахтадан озуқа экинларига ўтказилган майдонлар ҳамда дала четларидан самарали фойдаланиш орқали чорвачиликни кенгайтириш имкониятлари кўрсатиб ўтилди. Улуғнор ва Бўстонда йирик чорвачилик комплекслари лойиҳалари ишлаб чиқиладиган бўлди.

Аҳамиятлиси, Балиқчидаги товуқ гўшти етиштириш комплекси тажрибаси асосида Жалақудуқ ҳамда Хўжаободда янги паррандачилик лойиҳалари бошланади. Улуғнорда балиқчилик кластери тузилади. Жалақудуқ, Марҳамат, Асака ва Андижон туманларидаги адир ерларини иқтисодий айланмага киритиш учун алоҳида “Агростар” компаниясига асос солинади. Баҳоргача 4-5 минг гектар майдонга сув чиқариб, саноатлашган боғлар барпо этишга киришилади. Боғлар уч йил парваришланиб, аҳолига тайёр ҳолда таклиф қилинади. Мевасабзавотчиликда “гектардан — максимал қиймат” тамойилига ўтиш белгиланди.

Аҳолига кичик қайта ишлаш ускуналари лизингга берилиб, туман брендларини яратиш рағбатлантирилади. Натижада етиштирилган маҳсулотни қайта ишлаш улушини 30 фоизга, экспортни 500 млн. долларга етказиш имкони бор. Балиқчидаги иссиқхона лойиҳаси тажрибаси республика бўйлаб оммалаштирилади.

Ташқи бозорда пахтага талаб пасайиб, экспортда логистика харажатлари ошиб бораётган ҳозирги шароитда фермерлар, кластерлар ва тайёр маҳсулот ишлаб чиқарувчилар учун қўшимча қўмак чоралари белгиланди. Пахтани биржада сотган фермерга ҳам, уни сотиб олган кластерга ҳам ҳар тонна учун 500 минг сўмдан субсидия берилади. Ўз ерида пахта етиштирган кластерлар эса гектарига 1,5 млн. сўмдан субсидия олади. Тайёр маҳсулот экспортчиларининг кредит фоизлари бир қисмини уч йил давомида компенсация қилиш бўйича ҳисоб-китоблар киритиш топширилди. Маркетплейслар орқали сотилган маҳсулот қийматининг бир қисмини қайтариш юзасидан ҳам таклифлар тайёрланади.



Оқилона ва тизимли ёндашув

Бугунги кунда саноатнинг рақобатбардошлиги нафақат юқори технологик дастгоҳлар ва инвестициялар, балки замонавий билимга эга кадрлар, уларнинг ижтимоий ҳимояси ҳамда таълим билан ишлаб чиқаришнинг мустаҳкам кооперацияси қай даражада эканлиги билан белгиланмоқда. Шу маънода, раҳбар-ходимлар олдига қўйилган навбатдаги топшириқлар саноат корхоналарига берилаётган мисли кўрилмаган рағбатлар билан бир қаторда, олий таълим тизими ва биз, педагоглар зиммасига ҳам масъулият юклайди.

Саноатда янги қувватлар, “ақлли” фабрикалар ва робототехника мажмуалари ишга тушаётган бир пайтда, уларни бошқарадиган муҳандисларга талаб мисли кўрилмаган даражада ортмоқда. Шу сабабли, Андижонни Фарғона водийсининг муҳандислик кадрлари марказига айлантириш стратегик вазифаси қўйилди. Бу борада асосий драйвер сифатида Андижон техника институти танланиб, унинг фаолияти тубдан трансформация қилинадиган бўлди.

Институтга хорижлик тажрибали менежерлар ҳамда профессор-ўқитувчилар жалб этилиб, таълим дастурлари халқаро муҳандислик стандартларига мослаштирилади ва бу ерда алоҳида дизайнерлик факультети очилади. Факультет машинасозлик, тўқимачилик, мебелсозлик ва саноат маҳсулотларининг ташқи кўриниши ҳамда эргономикасини яратадиган мутахассисларни етказиб беради. Талабалар назарий билимларни олиш билан бир вақтда, дуал таълим тизими орқали бевосита вилоятдаги йирик саноат корхоналарига бириктирилади.

Умуман, мамлакатимиз етакчиси томонидан кун тартибига қўйилаётган бундай долзарб ва миқдор жиҳатдан улкан вазифалар моҳиятан олий таълим муассасалари ҳамда профессор-ўқитувчилар жамоасига қаратилган ишонч ва чақириқдир. Завод ва фабрикалардаги миллиардлаб долларлик энг замонавий технологиялар — юқори аниқликдаги дастгоҳларни ишлатадиган, ишлаб чиқаришни рақамлаштирадиган ҳамда янги муҳандислик ечимларини ўйлаб топадиган малакали кадрларни айнан биз, педагоглар тайёрлаб беришимиз шарт. Олийгоҳлар ва техникумлар саноат корхоналарининг ички муҳитига кириб бориши, заводлардаги реал технологик муаммоларга илмий ва муҳандислик ечимларини таклиф этиши лозим.

Зотан, саноат корхоналарини рағбатлантириш, муҳандислик таълимини трансформация қилиш ва кадрлар тайёрлашнинг ягона кластер тизими — бу Янги Ўзбекистоннинг учинчи саноат инқилобига қўйган мустаҳкам пойдевори.

Бахтиёр РАСУЛОВ,
Андижон давлат педагогика институти ректори, профессор.

ЎЗБЕКИСТОН ИМИЖИНИ ОШИРАЁТГАН ТАРМОҚ

Давлатимиз раҳбари 27 сентябрь — Бутунжаҳон туризм куни муносабати билан соҳа ходимларига йўллаган табригида таъкидланганидек, 2025 йилда Ўзбекистонга келган хорижий сайёҳлар сони 2016 йилдагига нисбатан салкам 6 баробар ошиб, қарийб 12 миллион нафарга етди, туризм хизматлари экспорти 11 карра кўпайиб, 4 млрд. 800 млн. АҚШ долларини ташкил этди.

Туризм

Шубҳасиз, бу юртимизда кейинги йилларда олиб борилаётган очиқлик сиёсати, виза тартибининг соддалаштирилгани, транспорт ва меҳмонхона инфратузилмасининг кенгайтирилгани, тадбиркорлар учун кўплаб солиқ ҳамда божхона имтиёзлари жорий қилингани самарасидир.

Дарҳақиқат, очиқлик ва самимият бугун Ўзбекистоннинг, том маънода, маънавий дипломатиясига айланмоқда. Дунё аҳли мамлакатимизни қайта кашф этаётир. Бу эса сайёҳлик йўналишининг инвестициявий жозибадорлиги ошишида ҳам катта туртки бўлмоқда.

— Табиатидан баҳра олгани, шу билан бирга, гольф ўйнагани тез-тез Тошкентга келиб тураман. Айниқса, Ўзбекистонда етиштирилган мева-чеваларнинг таъми бўлакча, хизмат кўрсатиш сифати ҳам аъло. Муҳими, бу ерда ўзимни жуда хотиржам сезаман, — дейди Жанубий Кореянинг Тегу шаҳридан келган сайёҳ Ким Жу. — Бу гал тезюрар поездда Самарқандга боришни кўзлаяпман. Ўзбекистонлик дўстим Бухорони ҳам кўринг, деяпти. Бир ҳафта вақтим бор, балки бу таклиф ҳам амалга ошар. Дарвоқе, шу йўналишга янги электропоезд қўйилибди, Кореяники дейишди. Бундан беҳад қувондим.

Хива кўчаларида, Паҳлавон Маҳмуд қадами муҳрланган жойда Европа мамлакатлари, Лотин Америкасидан келган турли ёшдаги кишиларни учратиш мумкин. Бухоронинг Арк мажмуасида заргарлик буюмларига маҳлиё бўлган сайёҳларни суҳбатга тортинг ё тун ярмида қадимий чироқлар ёруғида қаҳва ичиб ўтирган кишилар ҳаёлига шерик бўлинг. Улар Ўзбекистонни ўзи туғилиб ўсган гўшадан кўра осойишта, дея таърифлашади. Миллий каштачилик, кулоллик буюмларини кўз-кўз қилаётган қизлару йигитчаларнинг нафақат инглизча, балки французча, испанча бийрон сўзлашидан ҳайратингиз ошади.

— Байрам тадбирида Президентимиз табригини тинглаб, қалбим фахр-ифтихорга тўлди, — дейди “Azimut Samarkand Travel” сайёҳлик фирмаси раҳбари Азамат Эсонов. — Юртбошимиз соҳанинг моддий-техника базаси ва кадрлар салоҳиятини мустаҳкамлаш, ходимларнинг фидокорона меҳнатини муносиб рағбатлантириш доимий эътибор марказида бўлишини таъкидлаб, “Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган туризм ходими” фахрий унвонини таъсис этиш ташаббусини илгари сурди. Бу биз, соҳа ходимларига бўлган юксак эътибор ва ғамхўрликнинг яққол намунасидир.

Дарҳақиқат, давлат раҳбарининг туризм ривожига қаратаётган юксак эътибори туфайли у иқтисодиётнинг энг муҳим тармоқларидан бирига айланди. Таъбир жоиз бўлса, сайёҳлик соҳаси Ўзбекистон имижини оширяпти. Зотан, бугун у мамлакат учун фақат тарихий обидаларни намойиш этиш ёки меҳмон кутиш соҳаси бўлиб қолгани йўқ, транспорт, умумий овқатланиш, ҳунармандчилик, хизматлар экспорти, инвестиция ва янги иш ўринларини бирлаштирган йирик иқтисодий экотизимга айланиб бормоқда.

Абдунаби АЛИҚУЛОВ
(«Халқ сўзи»).



Бугун ва эртага Хива шаҳрида Ўзбекистон — Беларусь аёлларининг тўртинчи бизнес форуми доирасида «Made in Uzbekistan» ва «Made in Belarus» миллий кўргазмалари бўлиб ўтади.

Халқ сўзи
www.xs.uz /xalqsuzi.uz @xs_uz
2026 йил 29 сентябрь

1 октябрь — Ўқитувчи ва мураббийлар куни

ЭЗГУЛИК САРЧАШМАСИГА АЙЛАНГАН АЛЛОМА

Таниқли ўзбек физик олими ва жамоат арбоби Пўлат Ҳабибуллаев номини нафақат мамлакатимиз илмий жамоатчилиги, балки жаҳон илм-фан оламининг йирик намояндалари ҳам алоҳида эҳтиром билан тилга олади. Бу бежиз эмас, албатта. Чунки физика фанида ўз илмий мактабига асос солган академик Пўлат Ҳабибуллаев турли йўналишларда оламшумул натижаларга эришиб, мамлакатимиз илм-фани ривожига улкан ҳисса қўшган. Олимнинг икки марта Жаҳон интеллектуал мулк ташкилотининг олтин медалига сазовор бўлгани ҳам фикримизнинг яққол тасдиғидир.

Дарҳақиқат, халқимизнинг чинакам ўғлони, илм-фан ташкилотчиси Пўлат Қирғизбоевичнинг ҳаёт йўли бугунги ёш авлод учун ибрат намунаси.



Асли андижонлик бўлган Пўлат Ҳабибуллаев Ўрта Осиё давлат университетининг физика факультетини имтиёзли диплом билан тугатгач, Москва педагогика институтининг аспирантурасида таҳсил олди ва 28 ёшида номзодлик диссертациясини муваффақиятли ҳимоя қилди. Шундан сўнг бир муддат Тошкент давлат педагогика институтида ишлаб, республиканинг ривожланаётган таълим тизими учун кадрлар тайёрлашда фаол иштирок этди. Бу йилларда илмий изланишдан тўхтамасдан докторлик диссертациясини ҳимоя қилди. Ёш мутахассиснинг интилувчанлиги, илмга чанқоқлиги эътибордан четда қолмади. У 1972 йилда Андижон пахтачилик институтининг ректори этиб тайинланди.

Айтиш жоизки, П. Ҳабибуллаевнинг ғайрат-шижоати, илғор ғоя ва янгиликка чанқоқлиги раҳбарлик пайтида қўл келди: институт қишлоқ хўжалиги соҳасидаги етакчи илмий ва ўқув марказларидан бирига айланди, пахтачиликда илғор технологияларни қўллаётган илмий муассаса сифатида донг таратди. Бунинг замирида ёш раҳбарнинг таълим, илм-фан ва ишлаб чиқариш интеграциясини чуқурлаштириш, олим ва тадқиқотчиларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, илмий янгиликларни амалиётга изчил татбиқ этиш бўйича шаклланган янги ёндашуви мужассам эди.

Ушбу тажриба кейинчалик олим Ўзбекистон Фанлар академияси Ядро физикаси институтининг директори лавозимида ишлаган пайтда ҳам кенг қўлланилди. Пировардида Пўлат Ҳабибуллаев Республика Фанлар академиясининг мухбир аъзоси ва вице-президенти этиб сайланди.

Илм аҳлининг айтишича, бу давр физика фани ривожи, хусусан, Ядро физикаси институти илмий салоҳиятининг сифат жиҳатдан юксалгани билан тавсифланади. Бинобарин, бу йилларда институт тўлиқ қайта жиҳозланди, ядро реактори реконструкция қилинди. Натижада унинг қуввати 2 мегаваттдан 10 мегаваттгача ошди.

> *Маълумки, илм-фанда бирор янгилик яратиш бамисоли игна билан қудуқ қазишдек мураккаб жараён. Бунга тинимсиз меҳнат ва изланишлар, уйқу ва ҳаловатдан кечиб, ўқиб-ўрганишлар — изчил тадқиқотлар орқали эришилади. Пўлат Ҳабибуллаев тиришқоқлиги, метиндек саботи туфайли фанда ўзининг катта илмий мактабини ярата олди.*

Шунингдек, янги лабораториялар яратилди, бир қатор фундаментал ва амалий соҳалар тараққий эта бошлади. Энг муҳими, радиоизотоплар ва улар асосида тиббий препаратлар ишлаб чиқариш кўлами кескин ошди. Фидойи олимнинг илм-фан ривожи йўлидаги самарали меҳнати юксак эътирофини топди ва 1984 йилда Фанлар академиясининг академиги ҳамда президенти этиб сайланди. Кейинчалик республика миқёсидаги бир қатор юқори лавозимларда ишлади.

Ўзбекистон мустақилликка эришгач, мамлакат ҳаётида бўлгани каби Пўлат Ҳабибуллаев фаолиятида ҳам янги давр бошланди. У Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Халқаро ишлар бўйича қўмитаси раислигига сайланди. Айни пайтда "Ўзбекистон — Покистон" дўстлик жамиятининг раиси сифатида ҳам иш юритди. 1994 йилда эса академик Ўзбекистон Республикаси Фан ва технологиялар давлат қўмитасининг раиси этиб тайинланди.

П. Ҳабибуллаев ушбу тузилмага раҳбарлик қилган ўн икки йиллик фаолияти давомида республиканинг илмий-техник салоҳиятини ошириш, бу жабҳада халқаро ҳамкорликни ривожлантириш, хорижнинг етакчи илмий муассасалари билан илмий-техникавий алоқаларни мустаҳкамлашда ташаббускор бўлди. Бунга ўша йилларда АҚШ, Япония, Германия, Буюк Британия, Корея Республикаси сингари тараққий этган кўплаб давлатлар билан фан ва юқори технологиялар соҳасида ўрнатилган мустаҳкам ҳамкорлик ришталари яққол мисол бўлади.

Эътиборли жиҳати, Пўлат Ҳабибуллаев узоқ йиллар масъул лавозимларда, юқори давлат ташкилотларида меҳнат қилган бўлса-да, илм-фандан узоқлашиб кетмади, бир зум бўлса-да, илмий фаолиятини тўхтатмади. Акустик спектроскопия, физик ва квант акустика, нанофизика ва юмшоқ муҳитлар физикаси, ночизиқли оптика ва лазер термокимёси, суперион ўтказгичлар ва квант-ўлчамли системалар физикаси, ядро физикаси ва радиацион материалшунослик, ночизиқли динамика ва хаос, изотоплар физикаси ва кимёси, лазер фотосинтези ва бошқа йўналишларда тадқиқотлар олиб борди. Академикнинг ғоялари, илмий тадқиқотлари натижалари энергетика, кимё саноати, тиббиёт ва биотехнология йўналишларида кенг татбиқ этилиб, мавжуд муаммолар ечимига, мазкур соҳалар ривожига хизмат қилди.

Маълумки, илм-фанда бирор янгилик яратиш бамисоли игна билан қудуқ қазишдек мураккаб жараён. Бунга тинимсиз меҳнат ва изланишлар, уйқу ва ҳаловатдан кечиб, ўқиб-ўрганишлар — изчил тадқиқотлар орқали эришилади. Пўлат Ҳабибуллаев тиришқоқлиги, метиндек саботи туфайли фанда ўзининг катта илмий мактабини ярата олди. Чуқур билим, донолик, зукколик, эртанги кунни кўра билиш у кишининг энг ноёб фазилати эди.

Халқимизда "Яхшидан боғ қолади" деган ҳикмат бор. Шу маънода, Пўлат Ҳабибуллаев Ўзбекистонда физика фанининг равнақи йўлида улкан боғ яратиб кетди, деб бемалол айта оламиз. Чунки у киши илм оламига жалб этган кўплаб салоҳиятли ёш кадрлар бугун етук олимлар бўлиб етишдилар ва илм-фанимиз равнақига муносиб ҳиссаларини қўшиб келмоқда. У киши 200 дан ортиқ фан номзодлари ва 40 дан зиёд фан докторлари тайёрлагани, шогирдларининг аксарияти дунёга машҳур олимлар сифатида танилиб, бугунги кунда йирик илмий марказларга раҳбарлик қилаётгани таҳсинга лойиқ, албатта.

Самимийлик, бағрикенглик, саховату мурувватпешалик каби хислатлар Пўлат Қирғизбоевич Ҳабибуллаевга ярашар эди. Қандай вазиятда бўлмасин, суҳбатдошни тинглаш, жон қулоғи билан эшитиш ажойиб фазилатларидан бири эди. Айниқса, ёшларга кўпроқ қулоқ тутиб, уларнинг ташвишларини енгиллаштириш, муаммоларни ҳал этиш пайида бўларди.

Устоз ҳаёт бўлганида бу йил муборак 90 ёшни қарши оларди. Тўғри, инсон ҳаёти неча йил яшагани билан эмас, амалга оширган ишлари билан ўлчанади. Бунга академик Пўлат Қирғизбоевичнинг сермазмун ва ибратли ҳаёт йўли, бой илмий мероси яққол мисол бўла олади. Ниҳоятда соф ички маданият, ўткир дид, чуқур тафаккур, қомусий билим эгаси, меҳридарё устоз, маърифатпарвар инсон Пўлат Ҳабибуллаев биз — авлодлар учун фидойилик, беғаразлик, самимият ва одамийлик бобида сабоқ бериб кетди.

Бакридин ЗАРИПОВ,
Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети профессори, биология фанлари доктори, Жаҳон физиологлар жамияти (Стокгольм) академиги.

ЯНГИЛИКЛАР *хабарлар*

ТАФСИЛОТЛАР

Нуротанинг янги каштачилик маскани

Нурота туманида "Нақшлар ва нурлар" миллий каштачилик маркази қурилишига киришилди.



— Ушбу мажмуа банкнинг 14,4 млрд. сўм маблағи эвазига бунёд этилади, — дейди туман ҳокими ўринбосари Шуҳрат Вафоев. — Унда Нуротанинг бой каштачилик анъаналарини асраб-авайлаш ва ривожлантириш, маҳаллий ҳунармандларни қўллаб-қувватлаш, миллий ҳунармандчилик маҳсулотларини намойиш қилиш ҳамда сайёҳлар учун қулай шароитлар яратиш кўзда тутилган.

"Нақшлар ва нурлар" миллий каштачилик маркази Шарқ меъморчилиги анъаналари ва замонавий меъморий ечимларни ўзида мужассам этади. Нуротанинг миллий ҳунармандчилик салоҳиятини намоён қилиши билан бирга, "Устоз — шогирд" тамойили асосида каштачилик санъатини авлоддан-авлодга ўтказувчи ўзига хос кўприк вазифасини ҳам ўтайди. Шунингдек, сайёҳларни жалб этиш ва янги иш ўринлари яратишга хизмат қилувчи замонавий масканлардан бирига айланади.

Темур ЭШБОЕВ
("Халқ сўзи").

Сунъий интеллект: таҳлилдан — амалий натижага

Пахтачи туманидаги Ёбу маҳалласида сунъий интеллект таҳлили асосида иқлим шароити, аҳоли кўникмалари ва ҳудуднинг логистика имкониятлари ўрганилиб, иссиқхона хўжалигини янада ривожлантириш бўйича хулоса қилинди.

Шундан сўнг маҳаллага бириктирилган банк томонидан 3,9 млрд. сўмлик имтиёзли кредитлар ажратилди. Натижада 134 та хонадонда иссиқхоналар ташкил этилиб, 493 нафар фуқаро доимий иш ўрнига эга бўлди.

— Бизга 8 сотихлик иссиқхона яратиш учун 50 млн. сўм кредит ажратилиб, хўжалигимизни юритишга кўмаклашилди, — дейди Ёбу маҳалласида истиқомат қилувчи Чарос Эштўхтарова. — Айни пайтда шу иссиқхонадан ойига ўртача 10 — 12 млн. сўм даромад олиш билан бирга, 2 нафар кишини иш билан таъминлаганмиз.

Худди шундай, сунъий интеллект таҳлили асосида қўшни Қувондиқ, Тома, Мирзо Нодим, Бурқут, Сардоба ва Кўрпа маҳаллаларида 580 дан ортиқ хонадонларда иссиқхоналар ташкил этиш учун 21 млрд. сўмлик кредитлар ажратилди. Бу орқали 4,1 минг нафар фуқаро учун доимий иш ўринлари очилди.

Эътиборли жиҳати, ўртача 5 сотихлик иссиқхонага эга хонадонлар йил давомида помидор, бодринг каби экинлардан 17-18 тонна маҳсулот етиштириб, 100 млн. сўмгача даромад олмоқда.

Абдулазиз ЙЎЛДОШЕВ
("Халқ сўзи").

Ёвқур ўғлон хотираси ёд этилди

Китоб туманининг Очамайли қишлоғидаги 11-умумий ўрта таълим мактабида юртимизнинг ёвқур ўғлонларидан бири, Ватан ҳимояси йўлида жон фидо этган Отабек Муҳаммадиевнинг хотирасига бағишлаб маънавий-маърифий тадбир ҳамда спорт мусобақалари ташкил қилинди.

О. Муҳаммадиев 1976 йилда шу қишлоқда туғилган. Мактабни тамомлаб, 1995 йилда муддатли ҳарбий хизматга йўл олган. Сўнг шартнома асосида уни давом эттирган. 1999 йилнинг ноябрь ойида Тошкент вилоятининг Оҳангарон туманидаги Янгиобод шаҳрида бир гуруҳ террорчилар билан бўлган жангларда жасорат кўрсатган. 2000 йилда Сурхондарё вилоятининг Сариосиё ва Узун туманлари орқали мамлакатимизга бостириб киришга уринган террорчи гуруҳларга қарши мардонавор жанг қилиб, ҳалок бўлган.

— Отабек Муҳаммадиев ҳаёт бўлганида бу йил роппа-роса 50 ёшни қарши олган бўларди, — дейди Жанубий-ғарбий махсус ҳарбий округ фахрийлар кенгаши раиси Шариф Мадиев. — Ватан ҳимояси йўлида жон фидо қилган бу йигитнинг хотираси доимо қалбларда мангу яшайверади.

Шу куни ёшлар ўртасида спортнинг футбол, стол тенниси ҳамда шахмат-шашка турлари бўйича мусобақалар ташкил этилди.

Жаҳонгир БОЙМУРОДОВ
("Халқ сўзи").

Интилиш

МИРЗАЧЎЛДА ТУЯЧИЛИК РАВНАҚ ТОПМОҚДА

Мирзачўл туманидаги чорвачиликка ихтисослаштирилган бешта йирик фермер хўжалигида 550 бош туя парвариш қилинмоқда. Давлат томонидан ушбу тармоқ истиқболига қаратилаётган эътибор, ажратилган имтиёзли кредитлар эвазига аҳолининг ҳам туячиликка қизиқиши ортмоқда. Айни пайтда 46 та хонадонда 360 бош туя боқилиб, юзлаб оилаларнинг рўзғорига барака кирмоқда.

— Ёшлигимдан чорвачиликка қизиқишим баланд бўлгани боис туя боқишга ҳавасим ортган, — дейди туманнинг Боғбон маҳалласида истиқомат қилувчи тадбиркор Азим Азизов. — Чорвачилик учун яратиб берилган имкониятлардан фойдаланиб, 100 миллион сўм эвазига иккита туяни бўталоқлари билан сотиб олгандим. Мана, туячилик билан шуғулланаётганимга ҳам ўн тўрт йил бўлди. Она туялар сони ортиб, ҳозирги кунда 13 бошдан ошди.

Тадбиркор туя сутининг шифобахш хусусиятларини яхши ўрганиб, уни сердаромад хизмат турига айлантирган. Унинг 25 ўринли соғломлаштириш хостелида юртимизнинг турли ҳудудларидан ошқозон-ичак, қандли диабет, гепатит ва бошқа хасталиклардан шифо излаб келувчиларнинг қадами узилмаётир.


Туя — ниҳоятда камхарж жонивор. Мирзачўлнинг ариқ ва зовурлари бўйлари, ёнтоқзорларида юриб ўзи учун қишин-ёзин емак топа олади. Яхши парвариш натижасида Азизовлар оиласи бир туядан кунига 10 литрдан зиёдроқ сут соғиб олмоқда. Бу биргина туядан кунига ўртача 300 — 350 минг сўм даромад келади, дегани.

Мирзачўлнинг заррин қуёши остида ривожланаётган бу тармоқ — оилавий тадбиркорликнинг энг порлоқ намунаси. Туя сутидан шифо топган элнинг дуоси ва тадбиркорнинг тинимсиз меҳнати туфайли Мирзачўл туячилиги бугун юртимизга намуна бўлмоқда.

Толибжон ЭРГАШЕВ
("Халқ сўзи").

Стартап лойиҳалар: ФОЯДАН — НАТИЖА САРИ

Интилиш



Учкўприк туманидаги Бегобод маҳалласида фаолият юритаётган IT марказида навқирон авлод вакиллари компьютер саводхонлиги, дастурлаш, график дизайни, сунъий интеллект каби йўналишларда таҳсил олиб, амалий билим ва кўникмаларини оширмоқда. Ёшларнинг бу ерда ишлаб чиққан стартап лойиҳалари амалиётга татбиқ этилаётгани ҳам эътиборга молик.

— Айни жараёнда хориж тажрибаси асосида янги ва истиқболли стартап лойиҳалар устида иш олиб борилмоқда, — дейди Учкўприк тумани ҳокимининг сунъий интеллект технологиялари бўйича маслаҳатчиси Аббосхон Аҳмедов. — Бу борада "маҳалла еттилиги" фаолиятини таҳлил қилиш, рақамлаштириш, ҳудудлар ободлигини сақлашда жамоатчилик назоратини кенгайтириш бўйича ишлаб чиқилган лойиҳаларни алоҳида қайд этиш ўринли.

Стартап лойиҳаларни қўллаб-қувватлашда тадбиркорлик субъектлари ҳам фаол иштирок этаётгани эътиборга лойиқ.

Айтиш жоизки, жорий йил якунига қадар Учкўприк туманида "Бир миллион дастурчи" ҳамда "Беш миллион сунъий интеллект етакчилари" лойиҳалари доирасида 200 нафар йигит-қизни рақамли билимларга ўқитиш ва юқори даромадли касбларга йўналтириш режалаштирилган.

Ботир МАДИЁРОВ
("Халқ сўзи").

РЕКЛАМА

ISLOM KARIMOV NOMIDAGI TOSHKENT DAVLAT TEXNIKA UNIVERSITETI

Korrupsiyaga qarshi kurashish komplayens-nazorat tizimini boshqarish bo'limi bosh mutaxassisi lavozimiga tanlov e'lon qiladi.

Nomzodlarga quyidagi talablar qo'yiladi:

- yurisprudensiya, iqtisodiyot, moliya, soliq, audit, tizimli tahlil, menejment yoki axborot texnologiyalari mutaxassisliklari bo'yicha oliy ma'lumot;
- kamida 3 yillik ish staji (komplayens va korrupsiyaga qarshi kurashish yo'nalishidagi ish stajiga ustuvorlik beriladi);
- korrupsiyaga qarshi kurashish bo'yicha maxsus o'quv kurslaridan o'tganlik to'g'risida sertifikatga ega bo'lish lozim.

Korrupsiyaga qarshi kurashish komplayens-nazorat tizimini boshqarish bo'limi bosh mutaxassisi lavozimiga 3 345 908 so'm oylik maosh belgilangan.

Nomzodlardan hujjatlar tanlov haqida e'lon berilgan sanadan boshlab besh kun davomida elektron shaklda "@TDTU_anticor" telegram manzili orqali qabul qilinadi.
Murojaat uchun telefon: +99871-207-14-75.

2026 йил 1 октябрдан Тошкент шаҳар жамоат транспортида йўлкира ҳақи учун электрон тўловлар 2500 сўмга оширилади, нақд тўлов 3000 сўмлигича қолади.

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши,
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 942. 19 279 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни юклаб олиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 71-259-74-51; котибият 71-259-74-53;
эълонлар 71-259-74-87.

ISSN 2010-8788

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор А. Исмаилов томонидан саҳифаланди.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: 71-233-11-07.

• МАНЗИЛИМИЗ:
100066,
Тошкент шаҳри,
Ислом Каримов кўчаси, 55-уй.

Навбатчи муҳаррир — А. Алиқулов.
Мусаҳҳиҳ — С. Исломов.

"Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41. ЎзА якуни — 23.07 Топширилди — 00.45 1 2 3 4 5 6